

Тошкент Оқшом

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 241 (10.546)

2005 ЙИЛ 14 ДЕКАБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

Қўшқар

● **КЕЧА** Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда "Камолот" ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган "Келажак овози" кўрик-танловининг Фарғона босқичи қатнашчилари Темиргалиқ тарихи Давлат музейи, "Шахидлар хотираси" мажмуаси, Ўзбекистон Миллий боғига саёҳат қилишди.

● **БУГҲУН** Тошкент агротехника коллежида "XXI аср вақоси" мавзусида "Маънавият ва маърифат" маркази, "Махалла" жамғармасининг Учтепа туман бўлимида ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбатиде "Ўрикзор" ва "Қўқсарой" маҳаллалари фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **БУГҲУН** "Ким ПО" қаҳваҳонасида Бектемир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Қўзил Ярим Ой жамияти, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИХ, "Адолат" социал-демократик партиясининг Бектемир туман бўлимида ҳамкорликларида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Қўзил Ярим Ой жамияти ташкил этилганлигининг 80 йиллигига бағишланди.

● **БУГҲУН** Мировод туман ҳокимлигиде ўтказилган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилишида жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болалар тарбияси бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигиде туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида мамлакатимиз аҳолиси ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича бажарилаётган ташкилий-амалий тадбирларнинг аҳамиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар
ҳокимлиги Матбуот
хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларимиз.

Шайхонтохур тумани меҳнат бўлими мутахассислари иш билан банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда.

СУРАТДА: меҳнат бўлимининг бош мутахассиси **Хуршида Каюмова** ва компьютер оператори **Моҳира Маматкулова** ҳар бир мурожаатни эътиборга олади.



2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Яқинлашиб келаётган янги — 2006 йилнинг Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз аҳолисини янада қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини кўтариш, моддий ва маънавий кўмак бериш, саломатлиқ посбонлари-шифокорлар меҳнатини эъозлаш, намунали тиббий хизматга шарт-шароит яратиш каби қатор хайрли максадлар кўзлашиб "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши юртдошларимиз қалбиде акс-садо бермоқда, барчага маъқул бўлиб қўллаб-қувватланмоқда.

ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

● **Шоҳида СОЛИҲОВА, пенсионер:**

— Мен узок йиллар ҳамшира бўлиб ишлаганман. Ҳозирда кексалик гаштини сурялман. Конституция кўни олдида бўладиган йиғилишда ҳар йили ўзгача сабрсизлик билан кутаман. Чўнчи ушбу йиғилишда Президентимизнинг якунига етаётган йилда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, яқинлашиб келаётган янги йилга ўзига хос ном беришлари хайрли анъана тусига кирган.

Мана, 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб номланди. Эътибор берсак ҳар бир йилга ном беришда қарилари қадрлаш, аҳоли саломатлигини тиклаш, баркамол авлод, камолоти юрт ободлиги каби энг зғуниятлар жамланшига эришмоқда.

Демак "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" да биз кексаларга, ёрдамга муҳтож ногирон, ҳеч қимми йўқ кишиларга беминнат, бегараз кўмак берувчи инсонлар сафи кўпайди, саломатлигимиз жонқуярлари бўлган шифокорлар ўз бурчларини яхшироқ ағнаб хизмат кўрсатдилар, бемор қалбига ширин сўзлари билан малҳам бўладилар.

Юртбошимиз маърузаларидан бир хулосага келдим. Тинч-осуда осмон, обод юрда ҳамма тенг, беҳавотир, тўкин, ҳаётдан рози бўлиб яшасан. Ана шу мақсад йўлида меҳнат қилайлик, шунга интилайлик. Маърузада келтирилган Муқаддас Қуръон қаримда зикр этилган "Хайри, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзинга шўшилин" деган ҳикмати сўзлар ҳар бир бағри кенг, танти, марҳумийлар қалбиде, на-

инки улар, балки ҳар биримизнинг юрагимиздан жой олсин.

● **Наиима НАСРИДИНОВА, Тошкент тиббиёт академиясининг факультатив, госпитал терапия, халқ табobati ва стоматология факультети ички касалликлар кафедраси профессори:**

— Айтиш жоизки Истиклол шарофати билан мамлакатимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимидеги ислохотлар ҳам жадал бормоқда. Негизи халқ саломатлигини сақлаш ҳукуматиимизнинг домий диққат-эътибориде. Шу боис буғунги кунда тиббиёт ходимларига, уларнинг машаққатли меҳнатига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Мана, яқинида Президентимиз томонидан 2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганлиги барчамизни қувонтирди. Бу албатта тиббиёт ходимларига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасирид. Бу эса шифокорлар ҳамширалар зиммасига келгусида яна ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда маърузаларини тинглаб барча юртдошларим қатори менинг ҳам қалбим гурурга тўлди. Жумладан Президентимиз ўз маърузалариде "Сихат-саломатлик йили" да биз учун ўта муҳим бўлган оналик ва болалик, репродуктив саломатлиқни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, билани соғломлаштириш борасида ҳам жиддий

натижалар қўлга киритилгани барчамизга мамнуният бағишлайди" дея таъкидладилар. Бу албатта тиббиёт ходимлари меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Шунингдек, Юртбошимиз янги йилимизни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилар эканлар, шундай изох бердилар: "Ҳомийликни шифокорлик билан қиёслаш, одамга шифо бериш билан тенг қўйиш табиий ҳол. Ҳомий, ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз? Ҳомий дегани — бу авваламбор саховатли бўлиш, бегараз ёрдам бериш дегани". Шунингдек, маърузадаги, "Саховатли ва бегараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардида малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳол ва узвий боғлиқ кетганини тасаввур қилиш қийин эмас деган турма-но сўзларни эшитган кишиларнинг қалбиде албатта зғулик, саховат, меҳр-оқибат туйғулари жўш уради, десак адалмаймиз. Ҳақиқатан ҳам Президентимизнинг янги йилимизни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб номлаганлари беҳиз эмас. Унда чўр маъно-мазмун муҳассам. Бу албатта келгуси йил инсонларни яна ҳам зғулик, хайру саховатта ундаш, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш, халқ саломатлигини сақлаш, атрофдаги одамларга бундан-да эътиборли бўлиш демакдир. Уйлайманки, ҳомийлар ҳамда тиббиёт ходимлари бундай юксак эътиборга жавобан келгусида ўз ишларига янада масъулият билан ёндошиб, бор қуч ва имкониятларини аямий меҳнат қилдилар.

конференциялар ва семинарларда тақдим этишдики фаолиги, мамлакатимиз тўғрисидаги ҳолис ахборотларнинг оммавий ахборот воситаларида тарқатилиши, элчихонанинг журналистлар ва жамоатчилик билан алоқага доимо очик эканлигини таъкидлади.

Профессор П.Триведи мамлакатимизга ташрифи чоғида ўзи гувоҳ бўлган инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги кенг қўламли ишларга юқори баҳо берди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА.
Дехли

XXI саҳоси
Барча жаббалардан
олинган сўғит хабарлар

Мамлакатимизда

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги Шўроси/парламенти/ Маслаҳат кенгаши Раиси Солиҳ бин Хумаида раҳбарлигидеги делегация кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

● «Фриденсдорф-Интернейшнл» Германия/, «Прибори Ой» /Финляндия/, «Амери Керс» халқро хайрия ташкилотлари томонидан «Соғлом авлод учун» жамғармасига юборилган 3 миллион АКШ долларидан ортиқ ва 830 минг евролик дори-дармонлар, мултивитаминлар, гигиена воситалари ҳамда тиббиёт анжомларидан иборат инсонпарварлик юки мамлакатимизга келиб тушди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иктисодиёт институтиде мамлакатимизда экологик барқарорлик масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси боқалар шифохонаси биноси тўла таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

● Кармана туманида иш бошлаган «Навойи-SILK» Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирикларини-Сингапур қўшама корхонасида қисқа муддат ичида юз тоннага яқин пилла қайта ишланди.

● Бухородаги бозор кўнкамаларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония марказида «Кичик бизнесни ривожлантириш» мавзусида семинар ўтказилди.

Жаҳонда

● Россия Президенти Владимир Путин ва Ҳиндистон Бош Вазири Манмохан Сингх Москвада мудофаа ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлик юзасидан бир неча шартнома имзолашди.

● Ироқда 15 декабрда ўтказилган режалаштирилган парламент сайловларига қизгин тайёргарлик қўрилиши муносабати билан мамлакатда хавфсизлик чоралари кескин кучайтирилмоқда.

● Исроил Ташки иттифак вазирлиги Европа Иттифоқининг энг паст даражада бўлса ҳам ХАМАС ҳамда «Ҳезболлох» гуруҳлари вакиллари билан расмий муносабатлари халқро қонунчиликка зид бўлишини билдирди.

● Индонезия Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатда тўққизинчи киши парранда гриппи билан хасталанганига сабабли ҳаётдан қўз юмганлигини расман тасдиқлади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ УЧУН МУКОФОТ

Дехлида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конгрессида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги муваққат ишлар вакили С.Сайдаминова 2005 йил якунларига кўра «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» мукофоти топширилди.

Еттинчи мартаба йиғилган мазкур Конгресс Ҳиндистон Инсон ҳуқуқлари бўйича институт томонидан ташкил этилган бўлиб, у анъанага кўра жаҳон миқёсида нишонланадиган Инсон ҳуқуқлари кўнига бағишланди. Конгресс раиси, Жаҳон очик

университетининг ректори П.Триведи ўзбекистонлик дипломатта мукофотни топшириш чоғида мамлакатимиз элчихонасининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, демократик ва иктисодий ислохотлар тўғрисидаги маълумотларни халқро

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Эндигина тadbиркорлик билан иш бошлаган ҳар бир кишига кўмак кўли чўзилса, унинг келгуси режаларида янги ўзгаришлар пайдо бўлади. Шу боис ҳам Президентимизнинг жорий йилнинг 25 сентябрида қабул қилинган «Тadbиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда 5 октябрдаги «Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони тadbиркорлар учун аини мудоао бўлди десак хато қилмаган бўламиз.

Айни дамда ушбу Фармон моҳияти ва мазмунини шу соҳа вакилларига яқиндан тушутириш мақсадида жойларда семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тadbиркорлар бери назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани ҳудудий комиссияси ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилди.

Тошкент шаҳар Солиқ бош бошқармаси ходимлари ҳамда туманда фаолият юритаётган тadbиркорлар иштирок этган йиғилишни очар экан, туман ҳокими Валижон Муллажонов, жорий йилда тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган қатор Қарор ва Фармонлар мазмун-моҳияти тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди. Сўнгра Тошкент шаҳар Солиқ бош бошқармасининг ходимлари ҳам мазкур Фармон ва Қарорлар ҳақида атрофлича тушунтиришлар бериб ўтдилар.

Жорий йил 5 октябрда қабул қилинган Фармондан келиб чиққан ҳолда тadbиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари ман-

сабдор шахсларининг жавобгарлигини кўайтириш мақсадида микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши ва бунинг қатор фойдали томонлари йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Маълумки, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайдиган, — дейди назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи респуб-



лика Кенгашининг Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани бўйича ҳудудий комиссиясига Носир Тошпўлатов. — Бу албатта тadbиркорларнинг қимматли вақтлари тежаллишида, эркин фаолият юритишларида муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шавкат Собиров 2005 йилда ҳўкуматимиз томонидан эълон қилинган тadbиркорликка оид Фармон ва қарорларнинг моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтди ва йиғилганлар томонидан бериладиган саволларга атрофлича жавоб берди.

Орагул РУСТАМОВА
СУРАТДА: семинардан
лаҳза.

КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР

Ўзбекистонда корпоратив облигациялар бозори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Сўнгги икки йил ичида муомалада бўлган облигациялар сони икки баробар кўпайиб, унинг умумий ҳажми 39,0 миллиард сўмга етди. Бу ҳақда «Avesta Investment Group» томонидан «Туркистон-пресс» ахборот агентлигига йўлланган матбуот ахборотномасида маълум қилинди.

Маълумотномада таъкидланишича, кичик корхоналар корпоратив облигациялар чиқаришининг барча имтиёзларидан фойдаланишди. Корпоратив облигацияларни чиқариш кичик корхоналарга айланма капитални кўпайтириш ҳамда ўрта муддатли инвестицияларни амалга ошириш учун маблағ жалб қилиш имконини беради. Бироқ, облигациялар бозорини ривожлантирувчи дастак йирик эмитентлар ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда улар бозордаги бўш маблағларни ўз эҳтиёжлари: яъни йирик лойиҳаларни инвестициялаш, пул маблағларини мунтазам, узил-шилмасиз тушишини таъминлаш каби мақсадларга йўналтиради.

Ўзбекистоннинг йирик компаниялар сирисидан «Олмалик тоғ-металлургия комбинати», «Coscom» кўшма корхонаси, «Амантайтау Голдфилдс» ҚҚ, «Ўзметавасбавотвиносаноат-холдинг» ОАЖ ва бошқалар ўрин олган.

«Ўзтелеком» АКнинг биринчи эмиссиясига (2 миллиард сўм) инвесторлар томонидан катта қизиқиш билан қаралаётганини таъкидлаш жоиз. У мазкур эмиссиясининг икки ойдан камроқ вақт ичида тўлиқ жойлаштирилгани бунинг ақоли исботидир. Ўзбекистон Республикаси ташқи фаолият Миллий Банки мазкур эмиссиянинг андеррайтери ва тўловчи агенти ҳисобланади.

«Ўзбектелеком» алоқанинг миллий оператори бўлиб, кейинги вақтда ўз амалиётида энг илгор ахборот технологияларини жорий этиш йўли билан ривожланиш концепциясини ижобий томонга ўзгартиришга эришмоқда. Дастлабки эмиссиядан икки мақсад: «Ўзбектелеком Мобайл» бўлими орқали CDMA 450 симсиз уяли алоқа тизимини ташкил этиш ҳамда «UzNet» бўлими базасида Интернет тармоғи тизимини кенгайтириш

қўзда тутилган.

CDMA 450 андозасидаги уяли алоқа тизимини ривожлантириш борасидаги лойиҳа истиқболли бўлди. Мазкур лойиҳани амалга оширишнинг учинчи йилига келиб компания томонидан абонентлар базасини 16,7 мингга кўпайиши оқибатида 3,9 миллиард сўм тушум тушиши тахмин қилинмоқда. Самарали режалаштириш ва маблағ, меҳнатни тўғри ташкил этиш натижасида лойиҳа рентабеллиги юқори бўлиб, 1,5 миллиард сўмга етиши кутилмоқда. — дейилади матбуот ахборотномасида.

«Avesta Investment Group» тахлилчиларининг фикрига кўра, компания лойиҳасини амалга ошириш учун камида 3 миллиард сўм маблағ талаб этилади. Мазкур лойиҳани корпоратив облигацияларни иккинчи марта чиқариш йўли орқали жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш мўлжалланмоқда.

Иккинчи эмиссия, муомалада бўлган облигацияларнинг фаолиги ва уларни чиқариш ҳажми кўрсаткичлари бўйича эмитентлар рейтингига «Амантайтай Голдфилдс» кўшма корхонаси ўзининг «Ўзбектелеком» АКни биринчи ўринга чиқариши мумкин.

Облигацияларнинг биринчи эмиссиясининг ахборот меморандуми маълумотларига кўра 2004 йил якунлари бўйича «Ўзбектелеком» АК активлари ҳажми 293,9 миллион долларни ташкил этди. Соф тушум 83,8 миллион доллар миқдорига бўлиб, ўтган йилдаги кўрсаткичдан 30 фоизга ортди, 938 минг долларга яқин соф фойда олинди.

«Avesta Investment Group» мутахассислари, жорий йилда рўйхатга олинган эмиссиялар ҳажми ҳажми 12-14 миллиард сўмни ташкил этиши мумкинлини тахмин қилишмоқда.

«Туркистон-пресс»

Тошкентлик Андрей Тимофеев Ҳабиб Абдуллаев кўчасидаги кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида ўз Интернет-кафедини очганига бир йил бўлди. Олдинги иш жойларида даромади катта эмас эди, оилани эса боқиш керак. Ассосийи, бизнесда ўз кучини синаб кўришни хоҳлади.

ИШБИЛАРМОНЛАРГА ОМАД КУЛИБ БОҚМОҚДА

Андрейнинг айтишича, ҳозир давлат ташаббускор, ишбилармон одамлар учун жуда кенг имкониятлар яратган. Булар орасида солиқларнинг камлиги, бошловчи бизнесменлар учун турли имтиёзлар кўзда тутилгани, хисобдорликнинг соддалаштирилгани, ортиқча текширишлар, турли бюрократик тўсиқларнинг бекор қилинганини келтириш мумкин.

Ёш тadbиркор улардан муваффақиятли фойдаланди. Ўзининг хусусийлаштирилган хонадонини қайта жиҳозлади, зарур мебель, бешта компьютер, бошқа техник воситаларни сотиб олди. Барча тегишли ҳужжатларни расмийлаштирди, лицензия олди ва аста секин иш бошлади.

Авалгига қийин бўлди. Тажриба етишмади, аммо техникани яхши билиши кўп келди, ўз вақтида алоқа институтига бекор ўқимаган экан. Турли текширувчилар тез-тез келиб турли эътирозлар билдирди, уларнинг кўпи асоссиз бўларди. Президент Ислам Каримовнинг мамлакатда тadbиркорликни янада ривожлантириш бўйича яқинда қабул қилинган фармонлари ва қарорлари бундай салбий ҳолатларга қарши мустаҳкам тўсиқ қўйди.

Ягона солиқ бўйича ишлаш ҳам ёрдам бермоқда. Харажат кам, вақт ҳам тежаллади. Аста-секин миқозлар сони кўпайди, улар орасида кўвчилар ва талабалар кўп. Шу боис Андрей ишни кенгайтириш ҳақида ўйлаб қолди. Дўстлари кредит олишни тавсия қилишди. «Ипак йўли» банкида ёш бизнесменга паст фойзалар асосида кредит ажратишди. Шундай қилиб, А.Тимофеев «Intel Pentium-IV» процессори ўрнатилган яна бешта компьютер сотиб олди.

— Атайлаб сўнгги авлод техникасини сотиб олдим, — дейди Тимофеев. — Чунки бозорда катта ресурслар талаб қилувчи компьютер ўйинлари тобора кўпаймоқда.

Энди офисда миқозларга ҳужжатлардан нусха кўчириш, CD-дискларга ёзиш, матнлар, рақамли суратларни қоғозга чиқариш, сканер қилиш каби бошқа хизматлар ҳам таклиф этилмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар ҳам кўп кела бошлади. Провайдер — «Осиё-Линк» компанияси ишончли ҳамкор бўлиб, ҳажон тармоғига улашни таъминламоқда.

Даромадининг ортиши Тимофеевга қарзни ва кредит бўйича фойз тўловларини ўз вақтида тўлаш имконини бермоқда. Банк билан яхши муносабатда бўлиш зарур, чунки ҳали яна қарз олиш керак бўлади.

Айни пайтда у нархларни оширмасликка ҳаракат қилпти, акс ҳолда миқозлар рақобатчиларга кетиб қолади. Атрофда эса рақобатчилар кўп, лекин бунинг яхши томони ҳам бор. Миқоз учун кураш хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хизматлар қўлимни кенгайтириш, нархларни пасайтириш ва чегирмалар беришга ундамоқда. Тadbиркор шундай қиялпти ҳам. Шу билан бирга ўйинлари янгилаш ҳақида ҳам ўйламоқда, янгиларини харид қилмоқда ёки ижарага олмақда.

Тadbиркорнинг янги орадаги режалари — кредитни қайтариш, Интернет хизматлари учун ҳақ тўлаш универсал карталарини сотиш, IP-телефония каби янги кўшимча хизматларни мунтазам жорий этишди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Транспорт

«МОҲИР ХАЙДОВЧИЛАР» САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиз транспортчиларини муносиб тақдирлаш мақсадида «Моҳир хайдовчи» кўкрак нишони таъсис этилгани аини мудоао бўлди. «Тошшаҳарйўловчи-транс» акциядорлик компанияси томонидан жорий этилган бундай мукофотга талайгина моҳир хайдовчилар сазовор бўлдилар.

Шаҳримизда аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиб келаётган 13-трамвай йўналиши ҳайдовчиларидан бири нечтаси ҳам бундай эъзозга лойиқ деб топилди. Шухрат Эшонқулов ҳам шулар жумласидандир.

«Тошкент Трактор заводи» — «Кўйлик дехқон бозори» орасида қатнаётган трамвайни чапдастлик билан бошқараётган бу тажрибали транспортчи шу касбдан бахт топди.

ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Транспорт хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилатган техник тadbирлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Республикаимизда яқинда якунланган йўл ҳаракат хавфсизлиги ойлтигида фаоллик кўрсатган транспортчилар «Тошшаҳарйўловчи-транс» акциядорлик компанияси саройларида анчагина йўлларда ҳаракатланувчи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тadbирлар натижалари компания бўйича ушатирилган навбатдаги йиғилишда атрофлича кўриб чиқилди. Айни вақтда мактаб, боғча ва Меҳрибонлик уйларида йўл ҳаракати хавфсизлигига доир олиб бориладиган суҳбатлар ҳам яхши самара бераётганини таъкидлаб ўтилди.

САРОИДА ЁРДАМЧИ ХўЖАЛИК

Сергели туманидаги «12-автосарой» очик акциядорлик жамиятида қатор ибратли сая-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ёрдамчи хўжаликларнинг бунёд этилиши ҳам таҳсинга сазовордир.

Чорвачиликни ривожлантириш эса транспортчиларни гўшт-сут билан таъминлаш имконини берилади. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ҳам таъминланган оилаларга кўплаб сут ва гўшлар бепул тарқатилди.

Автосарой «Трамвайчи» болалар оромгоҳини ҳам ўз оталиғига олди. Шунингдек, «Стрельцов» дам олиш уйи ҳам сут маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

БУЮК БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ ФРАЙБУРГДА ҲАМ МАШҲУР

Германиянинг Фрайбург университетиде Германия — Ўзбекистон илмий жамиятининг 2005 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида буюк бобокалонларимиз — соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳамда Абу Али ибн Сино таваққулдининг 1025 йиллигига бағишланган тақдирот маросимлари ўтказилди.

Фрайбург шаҳар маъмурияти ҳамда Германиядаги қатор олий ўқув юртинларининг профессор ва олимларини жамлаган мазкур учрашувда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидаги илмий делегацияси аъзолари ҳам иштирок этди.

Тадбирда Германия — Ўзбекистон илмий жамияти раиси, профессор П.Лаут сўзга чиқиб, мамлакатимизда халқимизнинг кўна меросини тиклаш ва уни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларга юқори баҳо берди.

Триер университети профессори К.Пандер эса Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига тўхталар экан, буюк бобокалонимизни инсоният тарихи ва маданиятига катта ҳисса қўшган, улкан давлатга асос солган саркарда, дея эътироф этди. Шунингдек, Германиялик олим Темурийлар даврида амалга оширилган бекиё бунёдкорлик ишларига, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида барпо этилган бетакор мазморий обидаларга алоҳида тўхталди.

Германия — Ўзбекистон илмий жамияти раиси ўринбосари Г.Келлер хоним эса Ўзбекистоннинг нихоятда бой тарих ва маданиятга эга экани тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол униб-ўсиши, таълим олиши ва ўз истеъодларини намойиш этиши учун барча шарт-шароитлар мўжассам. Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасига қарашли Шайхонтоҳур туманидаги Фаттоҳ Назаров номи 23-сон болалар мусика мактабида ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланиб ёшларнинг истеъодларини янада ошириш, мусика соҳасидаги билимларини мукаммаллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар — келажакимиз

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ

Мазкур мактабда дутор, рубоб, чанг, доира ва фортепиано, скрипка, баян-аккордеон, эстрада хонандалиги, пуфлама асбоблар бўлимлари мавжуд.

— Мусика мактабимизда ўқувчилар иқтидор ва истеъодларининг янги-янги қирраларини очиб борасида тинмай изланяпмиз — дейди ушбу муассаса раҳбари Олим Мухиддинов. — Мусикий тарбия болаларнинг маънавий-маърифий дунёқарошини бойитиш билан бирга уларни энг гўзал ҳис-туйғуларга ошно этиб, эзгуликка қорлайди. Ёшларнинг мусика ўрганиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий синф хоналари, турли хил чолғу асбоблари, эстрада хонандалиги бўлими ўқувчилари учун эса микрофонлар, овоз қучайтиргич аппаратлари, минидиск ва миникомпакт тизимлар

шай қилиб қўйилган. Асосий мақсадимиз эса болаларга эстетик тарбия бериб уларнинг қалбига яхшилик, меҳр-муҳаббат уйғотишдир. Токи дунёда ёмонлик, жаҳолат бўлмасин. Мусикага ошно қалблардан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу мусика мактаби ўқувчилари ўз чиқишлари билан наинки республикада балки, чет элларда ҳам мухлислар меҳрини қозонишган. Мактаб қошида очилган Ли Англина раҳбарлик қилаётган «Настиран» болалар эстрадалару 2004 йили Туркиянинг Анкара шаҳрида ўтказилган жаҳон болалар фестивали совриндори бўлган бўлса, 2005 йил май, июнь ойларида Истамбулда ўтказилган болалар фестивалида яна муваффақият қозонишди. Шунингдек, фести-

Ўзбекистон ва жаҳон

— Ўзбекистон менинг иккинчи Ватанимга айланган, десам сира муболага бўлмайди, — деди Г.Келлер. — Халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни, жумладан маданий муносабатларни мустақамлашга қўшган камтарона ҳиссам учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан бир неча маротаба тақдирланганман. Бу йил эса Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқаролиги менга насиб этди.

Шу кунги Ўзбекистон делегацияси Фрайбург ратушасида шаҳар ҳокимининг фан, таълим, тадқиқот ва ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича муовини Ульрих Кирхбах билан учрашди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида У.Кирхбах келгуси йили бир гуруҳ немис мутахассислари қўёш ва бошқа мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш борасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонга таширф буюриш ниятида эканини маълум қилди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА
муҳбири, Берлин

АНТВЕРПЕНЛИКЛАР МУНОЖОТ ЙЎЛЧИЕВАНИ ОЛҚИШЛАШДИ

Бельгиянинг Антверпен шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти **Муножот Йўлчиева** ҳамда **Шавкат Мирзаев** раҳбарлигидаги миллий чолғу ансамблининг концерти бўлиб ўтди.

Айтиш мумкинки, М.Йўлчиеванинг Бельгия бўйлаб маданий сафарда бўлиши яхши аънаънага айланиб бормоқда. Утган йили мамлакат пойтахти Брюссель ҳамда Бельгиянинг «маданий пойтахти» ҳисобланмиш Гент шаҳрида маҳаллий санъатсеварлар унинг дилрабо қўшиқларидан баҳраманд бўлишган эди. Унинг навбатдаги маданий дастури

эса Бельгия «ишбилармонлик маркази» — Антверпен шаҳрида намойиш этилди.

Муножотнинг бу галги чиқишлари 900 томошабинга мўлжалланган «De Singel» концертлар уйида бўлиб ўтди. «De Singel» Антверпендаги энг йирик маданий даргоҳ бўлиб, уни «Халқаро фламанд санъат саройи», деб ҳам аташди.

Ўзбекистонлик санъаткорнинг маданий сафари олдида «De Singel» концерт залининг Интернетдаги веб-саҳифасида бу ҳақда алоҳида ахборот эълон қилинди. Унда, жумладан шундай сатрлар бор: «Осиё минг йиллар давомида кўлаб буюк цивилизациялар пайдо бўлган маданиятлар қорраҳасидир. Бу ерда тараққий толган барча маданиятлардан жуда нафис санъат мерос қолган. Фарғона водийсидан бўлган Муножот Йўлчиева ноёб табиий талант соҳибасидир. У ўз ижодида халқининг бой маданий турфа хиллигини мерос қилиб олган...».

М.Йўлчиева репертуарининг асосини мумтоз ашула ва халқ қўшиқлари ташкил этди. Уларнинг ҳар бири, жумладан, Навоий ҳамда Мукимий ғазалари асосидаги қўшиқлар бельгиялик мухлислар томонидан гўлдурас қарсақлар билан олқишланди.

— Утган бир неча йил давомида «Сфинкс» фестивалларида қатор таниқли ўзбек санъаткорлари иштирок этди, — дейди маданий сафар ташкилотчиси — «Сфинкс» фестивали директори Патрик Де Гроде. — Хусусан, Муножот Йўлчиева, Олдуз Усмонова, Жўрабек Набиев сингари санъаткорлар бу ерда илгари бўлмаган ўзбек қўшиқчилиги ва мусика санъати гўзаллигини Бельгияга олиб киришди. М.Йўлчиеванинг Антверпендаги ушбу концерти эса фаолиятимизнинг давомидир. Келажакда ҳам биз бу йўналишдаги фаолиятимизни давом эттирамиз.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири, Брюссель



валь доирасида ўтказилган аккашон ижрочилар танловида Шахзода Содикова олтин медал билан тақдирланди.

23-болалар мусика мактаби ўқувчилари Мухтор Ашрафий, Мухиддин Қори Ёқубов номидаги Республика кўрик-танловларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Бу ютуқлар Н.Котеев, А.Азизов, Д.Ибрагимов, М.Тишабоев, С.Абдушукророва, Н.Раҳимова, М.Нурматова каби ўқитувчилар меҳнатларининг ҳосиласидир.

102-заиф эшитувчи ногирон болалар мактаб-интернатидида жаҳонда ягона антика пуфлама асбоблар оркестри ижрочилари ҳам, 23-мусика мактаби ўқувчи-

ларидир. Ягона ва антика дейишимизга сабаб шуки, бу болалар тўғма ногирон. Лекин шунга қарамай соғлом болалардек мусика асбобларини чалишади. Кўпгина кўрик танловларда совринли ўринларни эгаллашган.

Ҳа, мусика санъати доимо инсонларга хуш кайфият ва ором бағишлаб келган. Истатистика, ушбу мактаб жамоаси ҳам, ҳаммаша энг ойдin ва ёруғ кунларда юртимиз шаънини шарафлаб куйлаш, бахтига муяссар бўлаверсин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: Фаттоҳ Назаров номи 23-болалар мусика мактаби фаолиятдан лавҳалар

Санъат

ОММАЛАШГАН ФИЛЬМ

Навбатдаги ўн иккинчи кинофестиваль Белорусия пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтди. Бу нуфузли маданий тадбирда жаҳондаги кўпгина мамлакатлар кино санъати усталари яратган энг қизиқарли экран асарлари намойиш қилинди.

Фестиваль доирасида уюштирилган танлов дастурига ҳам талайгина фильмлар киритилди. Ўзбекистонлик санъаткорлар томонидан суратга олинган «Йигит» деб номланган картина ҳам шу рўйхатдан ўрин олганлиги қувонарли бўлди.

Мазкур фильм экранларга чиқарилгандан сўнг чет элларда ҳам муваффақиятли кўрсатилди ҳамда қатор танловлар ғолиби бўлди.

Ушбу ижод намунаси бу сафар ҳам кўплаб хорижий томошабинлар эътиборини ўзига тортди.

РАНГ-БАРАНГ СПЕКТАКЛАР

Ўзбекистон Ёшлар театри учун 2005 йил баракали бўлди. Йил давомида бир неча спектакль намойиш қилиндики, улар томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. «Томдаги скрипкачи», «Гугурт ушлаган қизалоқ» каби постановкалар театр репертуаридан мустақкам ўрин олди.

Театрнинг бундай самарали ижодий изланиши янги йилда ҳам давом эттирилади. Машҳур драматург Мольернинг «Табии» ҳамда «Тартюф» деган асарлари ўзининг сахнавий талқинини топади.

Болакайларни хушнуд этиш мақсадида бир қанча спектакллар тайёрланмоқда. Ҳамид Олимжоннинг «Семург» асари сахналаштирилиб, жойларда кенг намойиш қилинади. Болаларнинг сеvimли асарига айланган «Букри тойчоқ» ҳам сахнага олиб чиқилди.


«ТЕАТР ДИРЕКТОРИ» САХНАДА

Халқаро маданий жамоатчилик илтимоси билан ҳар йили муҳим саналар амалга ошириб келинмоқда. Келгуси 2006 йил мусика санъати доирасида композитор Моцарт йили сифатида нишонланади.

Шу муносабат билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри арзигулик ижодий армуғон ҳозирлади. Бу санъат қошонасида машҳур композиторнинг «Театр директори» деган операси мухлисларга тақдим этилади. Ёрқин мусика ва ария ҳамда дуэтларга бой бўлган мазкур спектакль таниқли режиссёр Андрей Слоним бошчилигида юзага келди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ





Иштирокичи тоғи ёр

КҮНГИЛДА НИЯТЛАР КҮП

Кўнгилга туғилган яхши ишни амалга оширишда биргина мақсаднинг ўзи билан қифояланиб бўлмайди. Тўғри, «Яхши ниёт— ярим давлат» дейишади. Лекин уни амалга ошириш учун яна ярим давлат—сатъ-ҳаракат, керак бўлса машаққатли меҳнат, изланиш интилиш талаб этилади.

Муяссар Икромова ҳам тадбиркор бўлиб, кичкинагина тикув цехи ташкил этишни ниёт қилганида, аввало бозорни ўрганиб, харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобига олди. «Нима, четдан келтирилган товарлардан ҳам чиройли, ҳам сифатли махсулот ишлаб чиқариш бизнинг қўлимиздан келмайдими, озгина кўп бўлса, меҳнатдан қочмаса замонавий техника-дастгоҳлар бўлса,

сифатли кийимлар тайёрлашга аҳд қилдим. Чунки бозор иқтисодий шaroитида сифат ва нарх-наво катта аҳамият касб этади, харидорнинг эса танлаш имконияти кенг. Тўғри, ўтган қисқа давр мобайнида ўз харидорларимизга эга бўлдик, лекин бу хали биз учун чегара эмас. Шу боис ҳам махсулотларимиз турли янада кенгайтириш, нафақат пойтахтда, балки республи-

када бўлиб келганини ҳисобга олган ҳолда, бизнинг мақсадидаги махсулотларнинг сифати ва нарх-наво катта аҳамият касб этади, харидорнинг эса танлаш имконияти кенг. Тўғри, ўтган қисқа давр мобайнида ўз харидорларимизга эга бўлдик, лекин бу хали биз учун чегара эмас. Шу боис ҳам махсулотларимиз турли янада кенгайтириш, нафақат пойтахтда, балки республи-

када бўлиб келганини ҳисобга олган ҳолда, бизнинг мақсадидаги махсулотларнинг сифати ва нарх-наво катта аҳамият касб этади, харидорнинг эса танлаш имконияти кенг. Тўғри, ўтган қисқа давр мобайнида ўз харидорларимизга эга бўлдик, лекин бу хали биз учун чегара эмас. Шу боис ҳам махсулотларимиз турли янада кенгайтириш, нафақат пойтахтда, балки республи-

— Шахзод Иzzатуллаевич, «Банклараро савдо тизими» ҳақида маълумот берсангиз.

— Банклараро савдо тизими — бу қимматли қўғозлар савдоси бўйича замонавий электрон савдо майдонидир. У банкларнинг молия бозоридagi фаолиятини ошириш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ва тўртта тижорат банки ушбу ташкилотнинг таъсисчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Биз, қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази лицензияси асосида иш олиб борамиз, ушбу марказ мутахассислари бизнинг фаолиятимизнинг ташкилий босқичида яқиндан ёрдам бериши. Ҳозирги кунда, иккита лицензияга эга-миз; улар биржадан ташқари савдоларни уюштирувчи ва ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти. Ушбу икки жуда масъулиятли фаолият турининг муваффақиятлари маҳаллий молия бозорида биринчи марта кузатилиб, бу ўз навбатида уюшган бозорда битимлар тузилишидаги юзга келадиган транзакцион харажатларни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Шунингдек, Давлат Марказий Депозитарийсининг яқиндан қўллаб-қувватлаб турганлиги, ходимларининг катта ёрдам кўрсатаётганлиги биз учун жуда муҳимдир.

— Банклараро савдо тизими яратилишига қандай сабаблар асосий омил бўлиб хизмат қилди?

— Банклараро савдо тизимини ташкил этиш зарурати маҳаллий молия бозори механизmlарини такомиллаштиришдаги объектив муҳимликдан келиб чиқди. Муомалада катта ҳажмдаги корпоратив облигациялар бўлишига қарамадан, уларни жойлаштириш ва котировкаси учун замонавий уюшган бозор мавжуд эмас эди, бунинг натижасида, облигацияларни бирламчи жойлаштиришни уюштириш мажбуриятини ол-

ган тижорат банклари хизматлари жуда қимматга тушаётган эди. Бундан ташқари, кўп ҳолда банклар облигацияларини сотиб олиб, кейинги босқичда самарали савдонини ташкил этишга имконият топа олмади, ўз портфелида ушлаб турадилар ҳамда бор қалтирилган ўзиди муҳасамлаштирадилар. Ўз навбатида, фаол иккиламчи бозорнинг йўқлиги облигациянинг бозор нархини аниқлаш имкониятини бермас эди.

— Тизимнинг иштирокчилари қиммат бўлишлари мумкин?

— Ҳозирги кунга келиб корпоратив облигациялар эмитентлари ва тижорат банклари тизимнинг иштирокчилари бўлишлари мумкин. Ушбу ҳолда, инвестиция воситачиси лицензиясига эга бўлиш талаби қўйилмайди, чунки бизнинг тизимимизда воситачилик битимлари амалга оширилмайди, ҳар бир иштирокчи ўз қимматли қўғоз-

ларини сотади ва ўз маблағларини сармоя этади.

— Янги савдо тизими ўзининг афзалликлари ва самарали фаолиятини таъминлаб берадиган қандай тамойилларга эга?

— Эмитент ва тижорат банки савдоларда воситачисиз иштирок этиш имконияти мавжудлиги; иштирокчиларнинг инвестиция воситачиси лицензиясиз тизимга кириш имкониятининг таъминлиши; битимларнинг деярли ҳеч қандай қўғоз ҳужжатларидан фойдаланмасдан тузилиши; пул маблағларини олдиндан депонентлаштириш шартларининг йўқлиги; масофадан туриб савдоларни уюштириш имконияти;

тизадан ўтказиш, Банклараро савдо тизимини котировка рўйхатига кириштиш, шунингдек, эмитентнинг асосий кўрсаткичлари бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш каби босқичларни ўз ичига олган тизимга кириштиш жараёни мавжуд.

Бундан ташқари, эмитент қимматли қўғозларининг Банклараро савдо тизими савдолари листингига киритилиши шартли зарурий жараёнлардан бири бўлиб, эмитент облигациясининг икки томонлама котировкасини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган ҳамда шу билан бир қаторда, облигациялар ик-

киламчи савдоси фаолиятини қўллаб-қувватлаб турадиган маркетинг-банкнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шундай қилиб, банк облигацияни савдо тизимининг исталган вақтида, реал бозор нархида сотиб юбориш ёки сотиб олиш имкониятини таъминлаб беради. Ҳозирги кунга қадар бундай имконият маҳаллий бозорда қатъий равишда йўқ.

— Ва охирига савол: эмитент томонидан чиқарилган облигацияларнинг Банклараро савдо тизими савдоларига қўйилиши унга нима беради?

— Эмитент томонидан чиқарилган қимматли қўғозларни Банклараро савдо тизими савдоларига қўйилиши уларнинг ликвидлигини ошириш имконини беради. Қимматли қўғозларнинг доимий котировкаси, маркетинг-банк томонидан қимматли қўғозларни ҳам сотишга, ҳам сотиб олишга топшириқ берилиши эмитентнинг қимматли қўғозлар бозоридagi оёғурини мустақамлантиди. Чунки, хизмат кўрсатувчи банклар эмитент бизнесининг реал ҳолатини бошқаларга нисбатан кўпроқ биладилар. Шундай экан, улар ушбу эмитентларнинг қимматли қўғозларини билан савдо қилишни давом эттираётганликлар учун бошқа инвесторлар ҳам бундай ишбилармонларга ишонч билдиришлари мумкин, бўлади.

— «Easy trading» савдо ва клиринг тизими ҳақида гапириб берсангиз.

Савдо ва клирингнинг уюштирувчи электрон тизими «Easy trading» — патентланган дастурий

таъминотдир. У савдоларни реал вақтдаги режимида ўтказиш имконини бериб, интерфесда жорий вақтдаги бозор ҳолатини акс эттиришда ҳамда иштирокчиларга қимматли қўғозларни ҳам сотиб олишга, ҳам сотишга масофадан туриб ариза бериш имконини беради. Қимматли қўғозларни етказиш Марказий депозитарий томонидан қафолатланган Клиринг ва савдонини уюштириш тизими пул маблағларини олдиндан депонентлаштирмаган ҳолда, енгиллаштирилган тизимда савдоларни амалга ошириш имконини беради.

Биз иштирокчиларимизга ўз ҳисобимиздан дастурий таъминотни ўрнатамиз ва ишга тушириб берамиз, савдо иштирокчиларини дастурий таъминот билан ишлашга ўқитамиз, шунга мос ҳолдаги сертификатларни топшириш орқали ҳамкорликнинг биринчи босқичида уларга яқиндан ёрдам берамиз.

— Ва охирига савол: эмитент томонидан чиқарилган облигацияларнинг Банклараро савдо тизими савдоларига қўйилиши унга нима беради?

— Эмитент томонидан чиқарилган қимматли қўғозларни Банклараро савдо тизими савдоларига қўйилиши уларнинг ликвидлигини ошириш имконини беради. Қимматли қўғозларнинг доимий котировкаси, маркетинг-банк томонидан қимматли қўғозларни ҳам сотишга, ҳам сотиб олишга топшириқ берилиши эмитентнинг қимматли қўғозлар бозоридagi оёғурини мустақамлантиди. Чунки, хизмат кўрсатувчи банклар эмитент бизнесининг реал ҳолатини бошқаларга нисбатан кўпроқ биладилар. Шундай экан, улар ушбу эмитентларнинг қимматли қўғозларини билан савдо қилишни давом эттираётганликлар учун бошқа инвесторлар ҳам бундай ишбилармонларга ишонч билдиришлари мумкин, бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

ТАДБИРКОР

— Аввало ахборот-маслаҳат марказлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 майдаги қарорига асосан ташкил топган. Бунинг асосий сабаби эса иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви ва кичик ҳажмда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши туғилган тадбиркорларнинг турли хилдаги ишлаб чиқариладиган махсулотлари сонини, хизмат кўрсатиш турлари, уларнинг параметрларини, етказиб бериш муддатлари, хорижий инвесторлар, солиқ, ҳуқуқий маслаҳатлар, бизнес режа ва таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар ҳақидаги энг сўнгги ҳажмда атрофилига ахборот ва маслаҳатларга эҳтиёжларни ортиб борган. Ана шуларнинг барчаси юзасидан тадбиркорларга ахборотлар ҳамда керакли маслаҳатлар бериш марказининг асосий вазифалари қилиб белгиланган.

Бизнинг марказимиз туман ҳокимиятида рўйхатдан ўтши инспекцияси билан ёнма-ён жойлашганлиги ҳам тадбиркорлар учун қулай бўлиб, бошловчи тадбиркорларга рўйхатдан ўтшидаги маҳаллий молия бозоридаги ахборот ва маслаҳатларни тайёрлашда ёрдам беради. Уларга солиқ, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий масалаларда маслаҳат ва тушунтиришлар олиб борамиз.

Шунингдек, марказимизда тадбиркорликка ўқитиш, компьютерда ишлаш, бухгалтерия ҳисоботи ўргатиш ҳам амалга оширилади. Марказимизда 3 нафар маҳаллий мутахассис фаолият кўрсатиб, бу ерга мурожаат этиб келган ҳар бир юридик ва jisмоний шахс аввало ўзларини қизиқтирган ахборотларни олиши, керакли маслаҳатлар билан таъминланиши,

Юртимизда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилгани боис ҳам бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланишни истаганлар сафи кенгайиб бормоқда. Албатта, бошловчи тадбиркорларнинг ҳаммасида ҳам етарли даражада иқтисодий, ҳуқуқий билим мавжуд эмас. Шу боис ҳам улар ахборот ва маслаҳатчи, қўллаб-қувватлаш ҳамда мададга муҳтож. Бу борада жойлардаги ахборот-маслаҳат марказлари зиммасида ўзига хос масъулият ётади. Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси Мирзо Улугбек тумани Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Собиржон ОХУНЖОНОВ бу борада амалга оширилаётган вазифалар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

консалтинг, юридик хизматлардан фойдаланиши мумкин. Бизнес-режалар тузишда, кредит олишда тадбиркорларга ёрдам бериб келаямиз, керакли қўлланмалар билан таъминлаймиз.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида марказимиз томонидан 1424 та, жами 3616098 сўмлик ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Шунингдек, турли йўналишлар бўйича 231 нафар киши ўқитилди. Албатта, меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам берамиз. Уларга солиқ, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий масалаларда маслаҳат ва тушунтиришлар олиб борамиз.

Шунингдек, марказимизда тадбиркорликка ўқитиш, компьютерда ишлаш, бухгалтерия ҳисоботи ўргатиш ҳам амалга оширилади. Марказимизда 3 нафар маҳаллий мутахассис фаолият кўрсатиб, бу ерга мурожаат этиб келган ҳар бир юридик ва jisмоний шахс аввало ўзларини қизиқтирган ахборотларни олиши, керакли маслаҳатлар билан таъминланиши,

мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида чиқарилди ва ноқонуний текширувларга жуда катта зарба бўлди, тадбиркор учун эркин ишлашга, вақтдан унумли фойдаланишга имконият берди. Унга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта, режа асосида текшириш ўтказилади, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди.

Мана шу Фармон ижросини таъминлаш, уни тадбиркорларга тушунириш бўйича туман қошида жамоатчилик кенгаши ташкил этилди ва ҳозирда тадбиркорлик субъектлари учун селимкор-ийлилар ташкил этилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, тадбиркорларимиз ана шундай семиларларга кўпроқ келишса, ўзларини қийнаётган муаммоларини ўртага ташлашса, сўнгий тўсиқ ва қовлар ҳақида очикроқ гапиришса уларга амалий ёрдам кўрсатишда фойдали бўлади.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, марказимизнинг маҳалла мутахассислари фаолият кўрсатаётган ва эндигина иш бошламаётган бўлган тадбиркорларга ҳар томонлама фойдали бўлган ахборот ва маслаҳатларни беришга тайёр. Зеро, бу уларнинг ривож топиб, юртимиз иқтисодиётига равнақда улуши янада салмоқли бўлишида хисса бўлади.

Дилноза СОДИҚОВА

Ҳунари қўғазлар

БЕШИКЧИ УСТА ТИЛАГИ

Ўзбек хонадонидида чақалоқ дунёга келса, тезда бешик тўйи таратилди бошланади. Қария онахонларимиз «Бешик боласи — бек боласи» дея чақалоқни бешикка соладилар. Бешикнинг тебраниши, бешик узра таралган она алласи жажжи гўдакка дунёда тенги йўқ роҳатни ато этиши, шубҳасиз.

— Бешик ясагининг ўзига хос сир-асрорлари борки, — дейди уста бешикчи Олим Аширбоев ўз хонаридан фаришаниб, — чунки унда наслимиз давомчилиги — беғубор гўдак ором олади. Битта бешикда бир нечта авлод камол топиши, нафақат фарзандлар, неваро эваралар, чеварлар ҳам ўсиши мумкин. Бу бешикни қандай асрашга боғлиқ. Ахир шундай хунар эгаси бўлишдан гурурланмай бўлади-ми? Ниятимиз эса ҳаммиса холис — биз усталар ясаган бешикларда ҳаммиса миллатимиз Алломишларини Барчинойлари уҳгайсин!

Беш вақтинингизда

МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШГА УСТАМИСИЗ?

Ҳар бир нарсани усталик билан ууддалаш, қийин муаммони ҳам вақтида ҳал этиш билим ва тиришқоқликка боғлиқ. Ҳозирда шундай менежерлар борки, уларнинг ишига лол қолмай иложининг йўқ. Чунки улар ҳар қандай мураккаб муаммонинг ҳам тезда ечимини топишади.

Айримлари эса оддий муаммо устида ҳам кунлаб бош қотирсада, ууддалай олмайдилар. Ўзинингизнинг қайси тоифага киришингизни билмоқчи бўлсангиз, қуйидаги тест саволлари орқали текшириб кўрингчи.

1. Ўзингиздаги муаммолар, ташвишлар ҳақида қимматли сўзлаб берасизми?

а) Йўқ, бу ёрдам бермайди (3);
б) агарда яхши суҳбатдош бўлса (1);

в) ҳамма вақт ҳам эмас. (2).

2. Сиз юмушлардан қанчалик ташвишланасиз?

а) Ҳамма вақт оғир (3);
б) бу ҳолатга боғлиқ (0);
в) ўтати-кетати, дея сабр қиламан (2).

3. Дилингизни қаттиқ ранжитишди, сиз нима қиласиз?

а) Ҳамма вақт оғир (3);
б) акин дўстларим ҳузурига ошмакдан (2);
в) Ўйда ўтириб, ўзимни «эҳтиёт» қиламан (3);
д) Муваффақият ва омад

дақиқаларида нима қиласиз?


а) Янгилишларни ўйлайман (1);
б) ҳал қилинмаган муаммоларим бор (4);
в) бу дақиқа тезда ўтиб кетма-сайди (3).

5. Яқин кишингиз сизни хафа қилди?

а) Бало ўзимдан чиқса, давосини қайдан ахтарай (3);
б) тушунтиришнинг талаб қиламан (0);
в) бошқа бу ҳақда гапирмайман (1).

6. Жанжалдан, аччиқ аламдан сўнг нимаини ўйлайсиз?

а) Ўтган яхши дамларни (1);
б) пинҳона ўч олишни (2);
в) унинг келтириб чиқарган ноҳушигини (3).



7. Сизнингча тақдир дегани нима?

а) У сизни кузатиб боради (4);
б) сизга таъзим қилади (1);
в) сизга ноҳақ қарайди (2).

8. Рўхшунслар ҳақида нима-малар дея оласиз?

а) Уларга мижоз бўлиши асло истамайман (4);
б) кўп одамларга уларнинг ёрдами тегади (2);
в) одамларнинг ўзи - ўзига катта ёрдам беради (3).

Энди тўғри жавобларингизни жамланган, йиққан баҳоларингизга бир қаранг:

15 баллгача: Сиз ниҳоятда бағри кенг одамсиз. Шунинг учун ҳар қандай ноҳуш вазиятдан яхши чиқиб кета оласиз, ҳатто офатлардан ҳам. Чунки сиз уларни тўғри баҳолай оласиз.

16-23 балл: Сиз тақдирга тан беришга эришган, кўп остингиздагилардан аламнингизни оласиз. Уларнинг ҳам диққат билан эшитишларини ва бирга ҳам тортишларини хоҳлайсиз. Тўғриси, ўзингизни тутиб олишни ўрганишингиз керак.

Агарда 27 ва ундан ЮКОРИ балл тўплаган бўлсангиз, сиз ўз ташвишларингизни енгиб, бошингиздаги «қорни тушириб юбора олайсиз». Шу боис ҳам улар сизга ёпишиб олган. Ўзингизни қўлга олиб, қудратингизни ишга солинг. Сизда қатор яхши-яхши ниятлар борки, улар муаммоларингизни ҳал этишда катта мадад бўлади.

Давоми. Боши ўтган сонларда

Байт:
Май ва маъшуку гулзор ва ёшлик-
Тирикликнинг бундан ҳам ёқимли
нимаси бор?
Бир кафтига май қадаҳини қўйгану
Иккинчи кафти билан гул
дастасини тутган.
Жаҳон шундай бўлмоғи керагу, аммо
ўзи жаҳонда йўқ.
Агар бўлса, таажжубки, бир
замондан ортиқ эмас.

Шу қабилда бир неча кунли кутли бахт ёрли-
гида айшу ишратда ўтказиб, шод-хуррамлик
эшикларини замона юзига очдилар. Сўнгра мир-
зо Султон Масъуд камолли улугворлик ҳам ком-
ронлик билан ғоятда хуррам ва шодмон ҳолда
матлуб махбубаси билан ўзининг суяроғли
бўлган Кобул ва Ғазнин вилояти томон жўнаб
кетди.

Шу йили бу варақларни тўловчи Абдураззоқ
ибн Исҳоқ ҳазрат ҳокони саъидга мулозаматда
бўлиш шарафига етиш билан сасдатта эришди. У
ҳазратнинг икболи офтоби бу ҳақир зарра ҳригга
жило берди. Собикан менинг марҳум отам олий
маҳлис ва ҳумоюн ўрдуда имомлик қилиш шара-
фига ва ҳозирлик мансабига етишган бўлиб, муъта-
бар китобларни ўқиб бериш ҳам муқаррар маса-
лаларнинг ривоят қилиш билан машғул бўлиб юрар
эди. Бу фақир ҳақир диний илмларни тахрир қилиш
ва маорифи яқинияни та-

комилга етказиш асноси-
да ҳақиқатшунослар раёба-
ри мавлоно Қози Абдул-
диннинг ҳарфлар, исми
ишорат ва бошқаларнинг
маъноларини тахрир
қилишга бағишланган ва
у маъноларни энг яхши
бир тарзда изоҳлаб, фой-
далар ҳиллоларни қум-
матбаҳо дурларни жамла-
гани бир рисолага шарҳ туздим ва ёпиқ муш-
китлар ҳам арабийят фани муҳимотлари юзидан
шубҳалар пардасини яхши бир тарзда кўтардим. У
шундай бир рисолаки, маъналарнинг бўлиқлиги,
далилларнинг пишиқлиги, гўзал ва нозик таркиб
этиштирилган жиҳатидан унга тенг келадиган рисо-
лани ҳеч бир синчков кишининг кўзи қўрмаган ва
унга ўхшашини ҳеч бир ҳудуд кишининг қулоғи
эшитмаган. Агар у ҳақда Уторуддек баён этувчи
уламолар дур соҳуни қаламлари билан офтобнинг
тоза заридан ойнинг қумушларини бетига ёсалар
арзийди. У рисолянинг лафз ва маъноси шакар
солганин судтеж, сув аралаштирилган шаробдек
бир-бирига қоришиб кетган. Байт:

Унинг васфида нима дея

олишим мумкин:

у дурга эга бўлган денгиз,
унда сўзлар озгина-ю, маъно кўп.
Тахрир қалами ва ёзув рақами "Рисоляни
Азудий"нинг шарҳидан ва унинг гўзалликлари
баёнидан фароғат топган ҳамда жаҳон равшан
хотирлари мутлоасининг ёруғлиги ҳам зийрак-
лар назарининг шуъласи у шарҳ устида полла-
ган, ҳаммадиллик дилининг маркази ва мардум-
лик дидасининг қорачи бўлиши ёру биродар-
лардан бир гуруҳи осмоний нома унвони ва ин-
сонлик қийимининг беағи бўлиши содиқлигига
риоя қилиб, бараварига иттифоққа келишиб; у
рисоляни шарҳлашда тартибга келган ўткир
фиқрлар нозик иборалар ҳазрат ҳокони саъид-
нинг ҳумоюн лақабини билан бешатилиб, у киши
номига мувашшах бўлишга муносиб кўринади,
— деб жам қилдилар. Бу фақир ҳақир дўстлар
сўзини самимий дилу жондан қабул қилдим ва
одил султон /Шоҳрух/ маком тутган уламога
ислом раҳнамолари ва даврон улавлари ҳузори-
да "Шарҳи рисола"ни қўздан ўтказтирдим. ҳумо-
юн лақабларга мувашшах қилинган ҳубгани ўқиб
бердим. Базми муҳаммадийлар сўраб зийран
кейин аъло ҳазрат /Шоҳрух/ уламолар таҳ-
синида кўп мактовларни сўзлади ва шу ҳумоюн
мажлисидаёқ: "у /Абдураззоқ/нинг отаси мавло-
но Исҳоқ мулозим бўлганидек, ўзи ҳам бизга
мулозиматда бўлсин ва маволий¹ ҳам аҳли би-
лан олий боргоҳга кирисин, илмларнинг нозик-
лик томонлари ва мафҳум ҳақиқатлардан ни-
маки лозим бўлса ва ўзи яхши бўлса, арга
етказиб турсин" деган фармон содир бўлди.
Уша вақтларда менинг ёшим йигирма бешга
етган эди. Мен тўққиз йил давомиде камолот
аҳли билан биргаликда онҳазратнинг хизмати-
да бўлидим, ҳарсант тошдек ҳечбир гўзал ранг-
дан насигабга эга бўлмаган бу бандани онҳаз-
ратнинг тарбият офтоби ҳарорати қизил ёқутга,
фақирларий уйидек хунар нақдиналаридан холи
бўлган нотаъсон таъминини эса жавҳарлар маъ-
данию шохона лаълар денгизига айланттирди.
Байт:

Оз-оздан, сабр ва қуттиш ҳам
тарбият билан янги ой тўлун ойма,
ёмғур дурга, қон мушқа ва
тош гавҳарга айланди.
Шояд анбар исли хома келажак йиллар во-
қеалари орасида у ҳазратнинг тарбият ва мар-
ҳаматлари намуналаридан бир озини сўзлаб бер-

сал

Байт:
Унинг яхши тарбияти ва
марҳамати офтобидан замон яқтоси
бўлдим, ваҳолонки мен кўплардан
биригина эдим.

Бундан ортиқ ўз-ўзини макташ ва қуруқ гап
сўзлаш одобдан эмас.

Байт:
Одоб шундан иборатки, агар
бошингда тож бўлганида ҳам
ўзининг жонон эшигидаги итлар
оёғининг тупроғи деб билгин.

САККИЗ ЮЗ КИРК УЧИНЧИ (1439-1440) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Шу йили ҳазрат ҳокони Саъид бу варақлар-
ни битиб тўловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқ им-
тиҳон қилди. Бунинг сабаби қуйидагича эди: Оят-
да "унинг бўйнида хурмо пояси пўстлогидан
тўқилган арқон бўлади" дейилганига монанд бир
гуруҳ ғаразғўй ва ҳасадчи кишилар ўзларининг
ифлос нафслари тақдоси ва нопок таъбири
игвоси бўйича бу фақир ҳақиде иғво тарқатди-
лар. Мавлоно Жалолуддин мавлоно Муҳаммад
садр билан биргаликда: "У ўзи толиби илм бўлиб
билимини мукамаллаштирмагану ота-бобола-
рининг иштини қўйиб подшоҳга мулозамат қилиб
юримти" - дедилар. Қутъа:

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

«МАТНАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН» АСАРДАН БОБЛАР

Фазлу хунар аҳлига нисбатан барчаси
бадҳох бир жамоат,
Доно кишиларга нисбатан
барчаси бағдўй бир жамоат,
Тошини гавҳардан фарқ қила
билмайдиган бир жамоат,
Атласни хорода¹н ажрата
олмайдиган бир жамоат.
Бундай жамоатнинг дили

нопоқлиги туфайли

Агар хотирларидан тонг
шабадаси ўтса, гармселга айланади.
Инсофлилик сифати билан афзалликка эга
бўлган диний арбоблардан бири бу варақларни
битувчи /Абдураззоқ/ бир гуруҳ мудирислардан
устун эканлигини аргага етказган. Мавлоно Шаҳ-
буддин Лассон ва ҳазрат ҳокони саъид у гуруҳ-
нинг исмларини сўради. У тўғри сўзлаб жаноб ма-
влавий бир неча кишини санаб, аниқ номларини
атади, жумладан, улардан бири улуг мавлоно Ҳожи
Муҳаммад Фароҳий эди. Ислои уламолари ва
оддий кишилар фузалолари фазилат паноҳи
бўлиши даргоҳга йиғилиб, бу варақларни битув-
чи /Абдураззоқ/ билан мавлоно Ҳожи Муҳаммад-
нинг имтиҳон қилинган, - деган ҳумоюн фармон
содир бўлди. Бу сўзлар бўлундай, - мисраъ, - бу фа-
қир у мажлисида йўқлигига воқе бўлган эди.

Фақир мулозимат учун келганимда ҳазрат
ҳокони саъид: "бирор киши билан бахсу тал-
ошнинг борми?" - деб сўради. Фақир эса: "бирор
яратилган банд билан бахсу низоийим йўқ, би-
рор кишидан илмда афзал ҳам эмасман, аммо
одатдаги маълум китоблардан бир нечасини
ўқиганман ва уларни билсам керак, деб ўйлай-
ман, агар онҳазрат бу қўлинг у китоблар бўйи-
ча тушулганини имтиҳон қилишга буюрсалар,
ҳар қандай синов вақтида киши ё хурматга са-
зовор бўлади, ёки таҳқирланишга деган мақол
аён бўлади, - мисраъ, - аён бўлиб турган нарсани
баён қилишга на ҳолат" - деб жавоб бердим.

Алқисса, улуг уламолар бир китобни тан-
лашлари ва фақир билан мавлоно Ҳожи Му-
ҳаммаднинг имтиҳон қилишлари борасида олий
фармон содир бўлди. Уламолар "Қашшоф"² ёки
"Ҳидоя"ни³ танлаш борасида ўйлашиб, охири
"Ҳидоя"га қарор бердилар ва "Ҳидоя"нинг бош-
ланши қисми бўлган "Китоби таҳорат" бобини
иктиёр қилдилар. Сўнгра шаҳзодалар, амирлар
ва сарой хос кишиларидан ташкил топган мах-
сус мажлисда шарҳ тарқижда бир неча қатор
ёзилди. Уламолар фақирнинг ёзганларини маъ-
қул топдилар ва "бу энг нозик ва энг яхши-
дир" - деб ёздилар-да ҳокони саъидга арга ет-
каздилар. Аъло ҳазрат буни маъқуллади, ма-
влоно Кутбуддин Аҳмад ва бошқа раҳбарларга
марсум ва алуфа⁴ тайин қилди. Бу банд эса
худди соф олтиндек синов идишидан аъло сиф-
фат бўлиб чиқди. Ҳасадчиларнинг қалбики
нақшлари ривож топмади, ҳаммаларининг хи-
жолат пешоналарига надомат гарди ўтирди,
утдан терга чўмиб ерга киргудек бўлдилар.
Ҳақиқатан ҳам у жамоатда махлис замирининг
нуридан ўз хунар ва билимларини равшан ва
ойдин қилиш қудратига ҳамда бошқаларнинг
шуъласидан бирор сўз чирочини ёққанга қува-

ти йўқ эди. Ҳаммалари худди жонсиз суратдек
бўлиб қолдилар ва кўриниши ҳиёнат, маъноси
жиноят ва ҳосили надомат бўлган ўз ёмонлик-
ларидан пушаймон бўлдилар, фазл ва хунар
нури қўёш ёруғлигидек олам аҳлига равшан
ҳам аён бўлди.

САККИЗ ЮЗ КИРК ТЎРТИНЧИ /1440-1441/ ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ СОФ ШАРОБИ ТУПРОҚҚА ТЎКМАК УЧУН ҲОҚОНИ САЪИД ЎЗ ШАРИФ ВУЖУДИ БИЛАН ОТЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Пайғамбар алайҳиссалом томонидан айтил-
ган худди садаф ичига яширинган дурдек ҳадис:
"Оллоҳ таоло бу умматлар учун ҳар бир юз йил-
лиқнинг аввалида уларнинг динини янгилаб бе-
рувчи бир кишини юборади" нинг мазмунини
ҳокони саъид шаънига ғоятда мос келди. Қуй-
идаги сўзлар бу фикрга далил бўлаолади: Он-
ҳазрат саккиз юзчин /1397-1398/ йили Хуро-
сон мамлақати салтанат тахтига тайин қилин-
ди, Салтанат шабадаси замирида ҳаракатда
бўлган гўдаклик чоғларидан таҳрир халифа-
лик тахтига қий қарор топгани шу замонагача
унинг олий истакга интилувчи ҳимматининг
қўзда тутган мақсади ҳамиша ҳақ динни му-
стаҳкамлаш, пайғамбарлар сайиди Муҳаммад
шариатини қўллаб-
қўлтиклаш бўлиб келди
ҳамда илоҳий фармонни
ижро этишда, айниқса,
ман этилган ва номуно-
сиб ишларни йўқотиш ва
жиловлаб олишда ғоят-
да жидду жаҳд қўрсатди:
шароб обиҳаёт янгли
Хизр чашмасида ниҳон
бўлди, май қимий янгли
олам аҳли кўзига кўрин-
май қолди.

Байт:
Унинг ман этиши билан май
ичиш одати шундай йўқолдики,
Осмондаги юлдузлар ярим
кечада қадаҳларини тўнқариб
турадилар.

Ҳокони саъиднинг барча яқин ва хос киши-
лари шаробга майл қилишдан ўзларини бутунлай
тўхтатдилар; хос ва авом кишилар шароб ичи-
дан бир умрга сидқидилдан тавба қилдилар.

Шу ҳолда и х т и с о б¹ олий мансабига
мансуб бўлган шариф кишилар ифтихори Сай-
ид Муртазо Саҳроҳ ва воизлар раҳбари мав-
лоно Абдулжалил ал- Қоинийлар аргага етказ-
дилар: "онҳазратнинг адолати қўмағида бутун
мамлакатда мастлик аломатини мушгин хат-
лик оҳу кўз Хитой гўзаллари қўздан бошқа ерда
қўриш мумкин эмас ва ҳуморлик ҳолатини
ёрининг шахло қўздан бошқа ерда учратиш
мумкин эмас. Байт:

Хуморлиги мастлик бир ерда жамъ
бўлмайди-ю,
Сенинг қўзингда хуморлик
билан мастлик бирга тўпланган.

Аммо, шаҳзодалар мирзо Муҳаммад Жўқий
ва мирзо Алоуддхалаларнинг хумороналари ша-
робга тўла, уни тўкиб ташлаш у ёқда турсин,
у ерга етиб боришининг ўзи ҳам беҳуда ҳаёлдан
иборат, мисраъ: у ерда ё шамол эсаолади, ёки
тонг нури йўл топаолади".

Ҳазрат ҳокони саъид ўз шариф вужуди би-
лан шароб тўкишга отланди, давлат оёғини са-
одат узангисига қўйиб отта минди ва Дарво-
зайи Хумдонлар қашқиб Се палат тарафи-
га, хумоналар ўрнашган жойга жўнади. Бадаҳ-
шон лаълию руммоний ёқутнинг рашиқни кел-
тирувчи соф шароблар билан тўлатилган хум-
ларни ҳеч ачинайсиз тупроққа тўқдилар. Байт:

Илоҳий ҳукм бўйича шароб тўкган шох
Шариатни улуглади-ю
ғазабидан сув тўқди.

Баланд чархнинг соқинлари хушбўй бода-
нинг исидан беҳуш бўлиб чарх уришга бошла-
дилар. Мисраъ: Чарх ўз ҳасратидан "Қоши туп-
роқ бўлсам эди" деди. Зухра ва Парвин эса
бундан афсусланиб беҳудона сўзлар эдилар,
мисраъ, - "Е раб! Бу мен қўриб турган нарсга
тушимдами ё энгимдами?".

Шариат юкми қўйилганидан яна мамлакат
янгидад равақат топди ва салтанат бу тамжур-
лик шарофати билан янги бир тароват топди.

Форсчадан Асомиддин УРИНБОВ
таржимаси.

¹ Маволий — тобъ ва хизматкорлар.
² "Хоро" сўзи "метин тош" маъносидан ташқари
атласнинг навдарида биринчи ҳам англатилади.
³ "Қашшоф" — Буюк олим Махмуд Замашхари
(1075-1144)нинг Қуръон тафсирига бағишланган
асарининг қисқача номи.
⁴ Имом Бухориддин Марғиёнийнинг фикрга
оид машҳур асари.
⁵ Марсум ва алуфа — пул мукофоти ва жинс
тариқасида берилган инъом.
⁶ Ихтисоб — мухтасаблик.

Давоми бор.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲУНАР ДОМО БУЛУР...

● Адолат ғоясини рад этиб
бўлмайди. У одоб-ахлоқ, ақл-ид-
рок қонунларидан, омма ҳаёти-
дан келиб чиқади. Адолат бош-
дан охир ҳаёт уфориб турган
сўзидир.

● Одам ўз қалбига қулоқ осиб,
унинг адолатпарварлигига иқро-
р бўларкан, қанчалар боши осмон-
га етати.

● Холис ва сермулоҳаза одам
ўз ҳукмини айтишга ҳеч вақт
ошиқмайди.

● Адолат — давлатнинг бузил-
мас пойдеворидир.

Ҳикоят: Луқмони Ҳакимдан
сўрабдилар: «Инсоннинг барча
ғўзал фазилатларини йўққа чи-
қарувчи нарсга нима?» Луқмони
ҳаким жавоб берибди: «Бахилик
ва адолатсизлик». Яна сўради-
лар: «Инсоннинг барча айблари-
ни, қамчиликларини пинҳон эту-
вчи нарсга нима?» У жавоб берди:
«Саховат ва адолатпешалиқдир».

Байт:

Ҳар бир азоб-уқубатга
розиман, тайёр,
Лек адолатсизликдан
дил озор топмасин
зинҳор.

● Одамларга яхшилиқ қил,
ранжитма, дилини огритма, оғир
дамларда ёрдамингн язма.

● Бировга яхшилиқ қилган
киши ўзига яхшилиқ қилган бўла-
ди.

● Беғам бўлманг, ғафлатда
қолманг, ҳали навқирон, қучли
экансиз, яхшилиқ қилишдан тол-
манг.

Қисса. Оғир кунларда ўзга-
ларга ёрдам қилмоқ ҳамиша ях-
шилиқ мевасини беради. Кўни
келиб қилган яхшилиғи эвазига
бошқалардан яхшилиқ кўради. Бу
борада эшак ва йўрға от ҳақида-
ги ҳикоят ўринлидир.

Эшак билан от йўлда бирга
кетар эдилар. Ногоҳ эшак отга
ниҳон қилиб деди: «Эй биродар,
юқимдан озгинасини олмасанг,
мен чарқондан йўқлиб оғирим
мумкин. Бироз юришсанг, юнги юкка
тоб беролмаган эшак йўқлиб туш-
ди ва жон берди. Эшакнинг эгаси
дарҳол пичоқ билан унинг териси-
ни шилиб олди ва оқ билан бирга
отнинг устига ташлади. От ўзини
уйганиб деди: «Қалтабиллигим ва
бадфеъллигим туфайли мискин
биродаримга ёрдам қўлини чўзма-
дим, оқибат унинг юки менинг ус-
тига тушди».

Байт:

Нафинг агар халққа
бешак эрур,
Балки бу наф
ўзингга кўпроқ эрур.

● Ўз қадр-қимматини асраб-
авайлайдиган, иззат-икромини
ўринга қўядиган ва нафсонияти
унинг куюнадиган одамни қалон-
димог деб бўлмайди. Агар қим-
да-қим ўзига қибру ҳаво билан
бино қўйса, мулк-давлати ортиб,
босар-тусарини билмай қолса,
ўз қадр-қимматини «Мен!» тар-
зида улугламоқчи бўлса, бундай
қимса оқир-оқибатда, расвоёй
жаҳон бўлиб, қадр-қимматини
йўқотари.

● Қадр-қимматини эъозлай-
диган одам ҳокисор, қамтар,
қамсқуқ, иззатнафли, ориятли,
адолатли ва аҳамиятли бўлади,
ўз шаънига доғ туширмайди.
Қадр-қиммат ҳақида гап борар
экан, базми яхши фазилатларга
қерағидан ортиқча сўз берилган-
да бошқача маъно касб этиб,
хунук бўлишини ҳам айтиш ке-
рак. Масалан, ҳокисор бўлиш
яхши, лекин ўта ҳокисорлик қили-
наверса, яхши-ёмонга бўйин
эшилаверса, бундай содда, од-
дий, самимий ва қўнгли бўш ки-
шини қалақа қиладиган, фариб
бериб кетадиган тулук қимса-
лар ҳам учраб туради.

— Спортга кириб келишингиз нима сабаб бўлган?

— Менда спортга бўлган қизиқиш, иштиёқ анча эрта уйғонган. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ спортнинг кураш ва дзюдо турлари билан шуғуллана бошладим. Спортни ҳаётим билан чамбарчас боғлашимда акам, бокс бўйича спорт устаси Бахтиёр Дўсимбетовнинг ўрни катта. Катта спортда фаолият кўрсатаётган акам ўша вақтда ҳеч иккиланмай мени кураш секциясига олиб борган. Акамнинг ушбу биргина ҳаракати ҳозирда ўз мевасини бермоқда.

— Устоз ва шогирдларингиз ҳам бисёр бўлса керак?!

— Менинг спортчи сифатида танилишимда, ўзига хос галаба ва муваффақиятлар эгасига айланишимда устозларимнинг меҳнати катта бўлган. Менга кураш илмини "Алиф" идан бошлаб ўргатган биринчи устозим — ҳозирда ҳам катта полвон, спорт оқсоқоли Чоршамбой Тожимуродов бўлади. Улар қаттиққўл, кўнгли пок, меҳрибон инсон сифатида менга устозлик қилиб, кураш сирларини дарс қилганлар. Мен ўша вақтларда ўз устозимдек республикада, Ўрта Осиёда машҳур курашчи бўлишга интилар, галабалар нашидасидан сармаст бўлар эдим. Ўз навбатида мағлубият аламиндан изтиробга тушганман. Спортчилар учун муқаддас ҳисобланган ушбу гиламда нимага эришган бўлсам, бунга кейинчалик ҳаёт ва спорт йўлида устозлик қилганлар — Республикада хизмат кўрсатган спорт мураббийлари Омон Тоймуродов, Холмурод Муборакоевнинг тинимсиз меҳнати, фойдали ўғитларни мустаҳкам яратган пойдевор бўлиб хизмат қилган. Шогирдлар масаласига келсак, Яратган бу тарафдан анча сийлаган. Шу вақтгача 20 нафардан зиёд спорт устаси, 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устасларини етиштириб чиқардим. Улар орасида Феруза Хайтимбетова, Яхё Имомов, Юсуф Тулаонов, Темур Эшқурбонов, Жасур Нормуров ўзларининг ютуқлари ва меҳнатлари билан ажралиб туради.

— Мураббийлик фаолиятингиз қачондан бошланган?

— 1992 йили Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатганимдан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани, "Пахтакор" кўнглили спорт жамиятида мураббийлик фаолиятини бошладим. 1998 йилдан бошлаб миллий кураш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, 2000-2002 йиллар мобайлида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига

бўлмаса керак?! Бир инсонда жамланиши мумкин бўлган хислатлар менда ҳам мўжзам.

— Шахсий мисолда айтсангиз, спортнинг ижобий ва салбий томонлари қандай?

— Спорт нафақат оиламга ва менга, балки бошқаларга ҳам яхши томондан таъсир кўрсатди. Ҳар бир ақл ва фаросати жойида бўлган инсон спортнинг нечоғлиқ фойдали эканлигини ўзи тушуниб етди. Ўз соғлиғимни ўйлаб, истганимча югуришим, машқ қилишим, ўзимни формада ушлаб туришимнинг ўзи ижобий ҳол эмасми? Спорт билан шуғулланган кишининг нафақат имунитети, балки ҳамма нарса кучли бўлади. Мен спорт билан шуғулланиб зиён кўрмадим. Афсус, ҳамма ҳам спортнинг афзаллигини тушунади. Спортнинг салбий тарафларига келсак бу томонлари менинг ҳаётимда йўқ. Спорт худди бир санъат. Шу сабабли у ҳам ўз навбатида қурбонликни талаб қилади. Мен мусобақаларда, машғулотларда жуда ҳам кўп сиқилман, бақириб-чақириб ҳам оддий ҳол бўлиб қолган. Ҳаммаси иш сабабли.

Агарда жисмонан қийналганларимизни салбий ҳолат деб баҳоласак, тўғримики? Йўқ, бу салбий томон эмас! Инсонга айтган сўзига эмас, қилган ишига қароб баҳо берилади. Соғлом ҳаётни тарғиб этаётган спортчи бўла туриб, ўзингизни, ўз ҳаётингизни қай даражада соғлом турмуш тарзига яқин дея olasиз? Спорт менинг ҳаётимда энг асосий ўрнини эгаллайди. Фақат машқ, машқ. Лекин бу дегани фақат жисмонан шуғулланиб, руҳан эса қоқ бўлса ҳам бўлаверида дегани эмас. Устига-устак, мутаносибликни нафакат машғулотларда, балки оддий ҳаётда ҳам сақлаб қолишга уринаман.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат! Шахноза НАЗАРОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: халқаро тоифадаги ҳакам, спорт устаси Мурод Дўсимбетов.

Мусохаба

СПОРТ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Буюк адиб Александр Дюма "Граф Монте Кристо" романида хулоса қилиб: "Дунёда бахт ҳам йўқ, бахтсизлик ҳам йўқ, ҳар икковига нисбий эришилади", — дейди. Яъни, инсон орзу ва интилишларининг чек-чегараси йўқ экан, бахт ўлчовининг сарҳадлари ҳам турлича бўлаверади.

Яъни инсон ҳавас ва истак эмас, ақл ва идрок изидан борса, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини бахтли деб ҳисоблай олади. Мен Александр Дюмага қарши ўз фикримни илгари сурмоқчиман. Дунёда бахт ҳам, бахтсизлик ҳам бор. Унинг тизгини инсон қўлида. Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қахрамонимиз ҳам бахт тизгинини тутган инсон ҳисобланади. Қахрамонимиз таржимаи ҳолидан сатрлар: Мурод Дўсимбетов. Кураш, дзюдо бўйича турли чемпионат, турнир, биринчиликлар қолиб. Халқаро тоифадаги ҳакам. Спорт устаси. Ҳозирги кунда Республика олимпия заҳиралари коллежининг миллий кураш бўлимида бош мураббий сифатида фаолият юритиб келмоқда. Биз Мурод Дўсимбетов билан суҳбатлашимиз мақсадида коллеж манзили томон йўл олдик. У киши билан ҳол-аҳвол сўрашиб, хона томон юракканмиз, гоҳо у ердан, гоҳида эса бу ердан "Салом устоз! Салом устоз!" деган овозлар келарди. "Болаларим машқ қилишяпти", — дея ғурурланди Мурод ака.



бош мураббийлик қилдим. Менинг катта ютуғим мураббийлик ишимда ҳар бир боланинг қалбига йўл топа олишим, ҳар бирининг ҳаракатига яраша рағбатлантира олишим бўлди. Шу сабабли курашчи ёшларни атрофимга маҳкамроқ жипслаштиришга эришдим.

Дарвоқе, болаларнинг кайфиятини нафақат кўтаришим, балки бузишим ҳам мумкин. Машғулотларда бирор нарса ўхшамаса, мендан қаттиққўлроқ устоз

лайди. Фақат машқ, машқ. Лекин бу дегани фақат жисмонан шуғулланиб, руҳан эса қоқ бўлса ҳам бўлаверида дегани эмас. Устига-устак, мутаносибликни нафакат машғулотларда, балки оддий ҳаётда ҳам сақлаб қолишга уринаман.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат! Шахноза НАЗАРОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: халқаро тоифадаги ҳакам, спорт устаси Мурод Дўсимбетов.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚУЙДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудирилари

«Архитектура назарияси ва қурилиш чизмачилиги» (1); «Архитектура мухитлари дизайни» (1); «Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар» (1); «Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги» (1); «Қурилиш материаллари ва кимё» (1); «Касбий педагогика» (1); «Ўзбек ва хорижий тиллар» (1).

Профессорлар

«Ландшафт ва архитектуравий лойиҳалаш» (2); «Архитектура назарияси ва қурилиш чизмачилиги» (1); «Архитектура мухитлари дизайни» (1); «Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар» (1); «Био ва иншоотлар» (1); «Қурилиш материаллари ва кимё» (0.5); «Иқтисодиёт» (1); «Математика ва информатика» (1).

Доцентлар

«Ландшафт ва архитектуравий лойиҳалаш» (5); «Архитектура назарияси ва қурилиш чизмачилиги» (2); «Архитектура мухитлари дизайни» (2); «Жисмоний тарбия» (1); «Физика» (1); «Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар» (1); «Био ва иншоотлар» (1); «Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш» (0.5);

«Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги» (4); «Қурилиш конструкциялари» (3); «Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш» (3); «Геодезия ва кадастр» (1); «Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш» (4); «Қурилиш материаллари ва кимё» (3); «Касбий педагогика» (1); «Иқтисодиёт» (4); «Менежмент» (4); «Фалсафий, ижтимоий-сиёсий фанлар» (4); «Математика ва информатика» (5).

Катта ўқитувчилар

«Ландшафт ва архитектуравий лойиҳалаш» (1); «Архитектура назарияси ва қурилиш чизмачилиги» (2); «Архитектура мухитлари дизайни» (3); «Био ва иншоотлар» (2); «Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш» (1); «Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги» (1); «Қурилиш конструкциялари» (3); «Шаҳар қурилиш ва ҳўжалиги» (1); «Геодезия ва кадастр» (1); «Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш» (1); «Қурилиш материаллари ва кимё» (1); «Менежмент» (1); «Ўзбек ва хорижий тиллар» (5.25); «Фалсафий, ижтимоий-сиёсий фанлар» (1); «Ма-

тематика ва информатика» (1).

Ўқитувчилар

«Жисмоний тарбия» (1); «Ўзбек ва хорижий тиллар» (1).

Ассистентлар

«Архитектура назарияси ва қурилиш чизмачилиги» (3); «Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар» (1); «Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш» (1); «Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги» (1.5); «Шаҳар қурилиш ва ҳўжалиги» (1); «Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш» (1); «Касбий педагогика» (2); «Иқтисодиёт» (2); «Менежмент» (1).

Кафедра мудирилари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, 700011, Навоий кўчаси, 13-уй. Ходимлар иш юритиш бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
41-11-82; 41-11-50,
факс 41-80-00
РЕКТОРАТ

ХАНДАЛАР

Ҳўппа семиз киши симёғочдай ориқ ҳамюртига сўз қотди:

— Сенга қараб мамлакатда очарчилик экан, деб ўйлаш мумкин.

Ориқ жавоб қилди:

— Сенга қараб бунинг сабабини тушунас бўлади...

— Икки шиша пиво сотиб олсам, дарҳол чирқиллаб қаргайсан, — деди эр хотинига. — Шишаларни йиғиб сотиб ўзингга кундуз ёқали пальто олганинг ҳақида чўрқ этмабсан-а, номард?!

— Карагин-а бу йигит менга: "Агар хотиниenga тегажоглиқ қилишни бас қилмасанг, башарангни уриб ёраман!" — деб хат ёзибди.

— Унда бас қил!
— Айтишга осон. Ахир у хатга имзо қўймади-ку...

— Дадажон, музқаймоққа ўн марка беринг, жон дада...

— Каттагина йигит бўлиб қолдинг, ёш боладай тиланасан-а.

— Окей! Қани бу ёққа ўнталикни узат, бўла қол!

— Сен мени ёқтирмай қўйдинг, — эрига арз қилди аёл. — Авваллари тун бўйи қаршимга ўтириб, қўлларимни банд қилиб силаганча ўтирардинг...

— Азизим, уйдаги пианинони сотиб юборганимиздан сўнг, бунга эҳтиёж қолмади энди.

— Эшитишимизча, бу энг имонсизлар яшайдиган шаҳар экан. Биз эса келган кунимиздаёқ ўта диний кўмиш маросимининг устидан чиқдик!

— Ахир, бу шаҳар руҳонисининг ўлиги эди. У очликдан жон берган...

Мусобақа вақтида ҳаддан ташқари кўп бақирган ишқибоз:

— Овозим йўқолиб қолганга ўхшайди.

Кўниси:
— Хавотир олманг, овозингизни менинг чап қулоғимдан топасиз.

Поезд купесиди бир кекса одам чўнтагидан трубка чикарди.

— Чекам эътироз қилмайсизми?

— Ўзингизни уйдагидек ҳис қилаверинг, — деб жавоб берди йўловчи аёл.

— Яхши, — деб хўрсинди кекса одам ва трубкасини чўнтагига солиб қўйди.

Бир киши дўстига ҳикоя қилапти:

Тўсатдан хизмат сафаридан қайтдим. Дарров шкафа қарадим — бўм-бўш, қаравотнинг тагига қарадим бўм-бўш, музлатигича қарадим бўм-бўш.

— Хотининг нима деяпти?

— Э-э, уйланмаганман. Квартирамни ўғри урибди.

— Ўқитувчи:

— Ҳўш, Зокиржон, бугунги дарсга дунё воқеалари ҳақида нима-ларни билди келдинг?

— Қўшнимиз Ризвон хола Ҳадича опа билан уришди. Ўғилжон опа эрини хушёрхонадан олиб келди...

Спорт

ГОЛИБЛАР
НОМИ МАЪЛУМ
БЎЛДИ

Шахримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида Сув спорти саройининг қад ростилашдан кейин ушбу замонавий сув ҳавзасида тез-тез халқаро ва маҳаллий спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Кунни кеча Сув спорти саройида яна бир нуфузли турнир — синхрон сузиш бўйича «Сув париси» номи Ўзбекистон Кубогининг очиқ мусобақалари низоҳасига етди. Ушбу турнирда мамлакатимиз синхрон сузиш устасларидан ташқари Қозоғистон ва ҳиндистонлик спортчилар ҳам иштирок этишди.

Якка тартибдаги спортчилар ўртасида кичик ёш гуруҳидаги сузувчилар баҳсида ҳамюртимиз Динара Ибрагимова ғалаба қозонди. Худди шу йўналишда катта ёш тоифасидаги қизлар ўртасида эса яна бир ўзбекистонлик тажрибали синхрон сузувчи — Дарья Можеева тенг келадиганлар топилмади.

Жуфтлик баҳсларида ҳам омад юрдошларимиз Динара Ибрагимова ва Анастасия Здрайковскаяларга қулиб боқди.

Катталар ўртасида қозогистонлик Екатерина Болонина ва ҳамда Светлана Ничипуренколар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

БУНИ ВАҚТ
КЎРСАТАДИ

Маълумки, жамоавий спорт турларида, айниқса футболда етуқ ва моҳир ҳимоячиларнинг ўрни бекиёс. Айниқса, бетимсол ҳужумчилари орқали довраг қозонган Ватанимизнинг бош жамоаси — «Пахтакор»да ҳам яхши ҳимоячиларга доимо эҳтиёж сезилган.

Шу жиҳатдан олганда, «Пахтакор» таркибида қисқа танаффуслар билан уч йилдан буюн муваффақиятли тўп суриб келаётган туркманистонлик тажрибали ҳимоячи, ҳужум чизигида ҳам сермахсул ўйнаб, кўпгина тўплар муаллифи бўлган Гочкули Гочкулиевнинг келгуси йилда ҳам жамоада фаолият кўрсатиши жуда муҳимдир.

Муҳлислари қизиқтириб келаётган ушбу саволга аниқ жавоб фақат 20 декабрдан кейин берилиши маълум бўлди. Зеро, шу кун Гочкулиевнинг киши таътили тугаб, жамоадошлари сафига қайтганидан кейин унинг келгуси мавсумга мўлжалланган мақсади аниқ бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

«ЭМАН» қўшма корхонаси жамоаси корхона раҳбари Рустам Нуриддиновга отаси Алоиддин НУРИТДИНОВНИНГ вафот этганига муносабатин билан чуқур таъзия билдиради.

«Фавкуллода вазият» тушунчаси, бу одамлар соғлиги ёки атроф-муҳитга зиён етиши, юртимиз иқтисодиётига катта миқдорда моддий зарар олиб келиши мумкин бўлган авария, ҳалокат, экологик офатлардир. Пойтахт «Кутқарув хизмати-050»нинг тиббиёт ходимлари, альпинистлар, фаввослардан ташқил топган малакали мутахассислари ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларига сидқидилдан ўз вақтида керакли ёрдамни кўрсатмоқдалар.

Бошқарма кутқарувчиларининг бир кунлик фаолиятига назар таштайлик:

Соат 09:30 да Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Чилонзор тумани, 10-даҳа, 33-уй, 32-хонадон эшиги қулфланиб, газ плитаси ёққ қолгани, хонадон ичкарисидан ёш бола қаровсизлиги ҳақида фуқаро Муродов хабар берган захоти зудлик билан етиб борган катта лейтенант Хусан Бобонов бошчилигидаги «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Азамат Хайдаров томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилиб, бола ота-онасига топширилди.

Соат 11:25 да Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 8-уй, 60-хонадон эшиги қулфланиб, ичкарида электр жиҳозлари ёққ қулиб кетганлиги ҳақида фуқаро

ро Ибрагимовдан тушган хабарча кўра лейтенант Азизбек Жалилов бошчилигида етиб борган «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Даврон Холматов томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилиб ва ёнғиннинг олди олинди.

монидан тахминан 25-30 ёшлардаги эркак кишининг жасди трансформатор ичидан олиб чиқилиб, Ички ишлар бошқармаси ходимларига топширилди.

Соат 23:30да кўпчилик ҳамшаҳарларимиз дама олаётган вақтда Тошкент шаҳар Фавку-

си, 5-уй ёнидаги қудуқ ичида одам жасди борлиги ҳақида Юнусобод туман Ички ишлар бошқармаси тезкор навбатчиси капитан Шоисломовдан хабар тушди. Бошқарманинг довраг, қўрқмас кутқарувчилари бу сафар ҳам мардлик кўрсатдилар. Катта лейтенант Хусан Бобонов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Рашид Раупов томонидан 50-55 ёшлардаги номаълум эркак жасди қудуқ ичидан олиб чиқилиб, туман Ички ишлар бошқармасига топширилди.

Кўз олдингизда кино тасмасидек рўй бераётган ҳодисалар, бошқарма кутқарувчиларининг ҳар қандай табиий ва техноген офат, фалокатларга жисмонан ва руҳан тайёр туришлари, қисқа дақиқаларда воқеадан воқиф бўлиб, тезкорлик билан ҳамшаҳарларимизга мадад кўрсатишларини кузатар эканмиз, ишлари таҳсинга сазовор инсонлар билан бир жамоада хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз. Доимо фавкуллода вазиятларнинг олдини олишга тайёр, барча ишларни бепул, беминнат бажарувчи «Кутқарув хизмати»нинг ёрдами зарур бўлиб қолса, «050» рақамли телефонга кўнги-роқ қилишни унутманг.

Хусанияхон ТОЖИБОЕВА,
бошқарма матбуот
гурӯҳи ходими

Фавкуллода вазиятлар бошқармасида

БЕМИННАТ
НАЖОТКОРЛАР

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасига ташриф буюрсангиз, бу ерда кечаю кундуз азим шахримизнинг ҳар бир фуқаросининг ҳаёти хавфсиз ва бехатар бўлиши учун бошқарма ходимлари ўзларини масъул ҳис этиб, хизмат қилаётганликларининг гувоҳи бўласиз.

Соат 16:15 да Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси навбатчи-диспетчер қисмига Юнусобод тумани, Амир Темури кўчасида жойлашган 1-уй билан туман суд биноси орасида жойлашган электр трансформатор ичида одам жасди борлиги тўғрисида Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармаси ходими Нодир Файзуллаевдан хабар тушди. Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси офицери лейтенант Соҳиб Қудратов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Рашид Раупов то-

лода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчилик қисмига Учтепа тумани, 25-даҳа, 2-уй, 1-кириш-қиёш йўлагидagi лифт эшиги берклиб, лифт ичида одамлар қулиб кетганлиги ҳақида фуқаро Мавлоновдан хабар тушди. Лейтенант Рустам Абдухаликов бошчилигидаги «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Дониёр Тожикулов махсус кенгайтирувчи асбоб орқали лифт эшигини очиб одамларни соғ-саломат чиқариб олди.

Соат 02:00 да бошқарманинг тезкор навбатчи қисмига Юнусобод тумани, Муродова кўча-

Ой сайёраси Эгизаклар буржида бўладиган бугунги кунда воқеалар қутилмаган йўналиш олиши, келажак билан учрашувлар ҳамда истиқболли таклифлар кўндаланг бўлиши мумкин. Мунажжимларимиз бугунги шуларни ваъда қилишяпти. Сайёралар жойлашаши бугунги кун энг муҳим кунлардан бири бўлиб, бирон-бир эзгу ишни бугун бошламасангиз, қарийб бутун бир ойлик фурсатни беришингиздан далолат беради. Умуман, ҳар қандай ишни Ой тўлишган кунни бошлаш хайрли бўлади, деб ҳисобланади.

Мунажжим башорати

ИСТИҚБОЛЛИ ТАКЛИФЛАР КУНИ
15 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

Қуёш ва Плутон қувватларининг бирлашиш жараёни кучайиб бориши ижодкор шахсларнинг кўпчиликлари олдида бугунги кишинларини айниса эҳтиросли ва эсда қоладиган қилиб қўяди. Бу ҳолат жамоат ва сиёсат арборлигари ҳам тааллуқли бўлади.

Ҳар қандай ёмишдан ўзини тортиш бугун фойдали бўлиб, инсон танаси тазаланишга ёрдам беради. Шу кун имкон қадар суюқликни камроқ истеъмол қилиш керак. Зеро, бугун у тананга ифлослантирувчи таъсир этади.

Яна бир мунажжим таъбирига кўра, бугун ҳолдан тойгунча кўп ишлаш, бирон нарсга зўр бериш, асабларингизни синишга интилиш мумкин эмас. Кўпроқ табиат қўйнида сайр қилиш, очик ҳаводан нафас олиш фойдали. Ўзингиз ва хонадонингизни покланг, хоналарга исирик тутатиб чиқинг.

Ёмғирда қолиш яхшилик аломати. Аммо устингизга тасодифан сув тўкилиши силларингиз фош бўлишига ишора. Сув тўла идишни синдириб қўйиш мулк ёки пулга эга бўлишингизни билдиради. Пойабзалнинг йиртиллиги ақинларингиз билан жанжаллашиб қолишингизга ишора.

Бу кеча қўрган тушларингиз башоратли бўлиб, кўп нарсаларни билиб олшингиз мумкин. Ҳар қандай тушингизни оқар сувга айтсангиз, ёмонликлар оқиб кетади, яхшиликлар содир бўладиган кун эса яқинлашади.

Нафас олиш ва асаб тизимлари бугун хасталикларга мойил бўлади.

Кийимлардан қулранг, яшил ва ҳаворанг тусли либослар омадли ҳисобланади. Ёрқин ранглардан, айниқса қизил рангдан ўзингизни узоқроқ тутинг.

ПАЙШАНБАДА:

- қисқа муддатда ҳал эта оладиган ишларни бошлаб юбориш;
- ўқиш, имтиҳон топшириш, танловларда қатнашиш;
- омадингиз келишига ишониб иш қўриш;
- бирон нарсани харид қилиш, алмаштириш ёки сотиб юбориш;
- техник ёки маиший муаммоларни ҳал этиш;
- ҳеч қандай хавф туғдирмайдиган саргузаштларда иштирок этиш;
- бадан тарбия, гимнастика билан шуғулланиш, пийда сайр қилиш, кўпроқ ҳаракатда бўлиш тавсия этилади.

Хужжатларга нисбатан бепарво муносабатда бўлишни маслаҳат бермаймиз.

«О!»

ОГОҲЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ

Олис ўтмиш хотиралари тикланиб, бугунги авлодга шонли воқеалардан гувоҳлик бераётган буюк алломалар, хусусан бобокалонимиз Амир Темури ва у кишидан сўнг темурийлар бунёд этган маърифат ва маданият мажмуалари халқимизнинг ўлмас бойлигидир. Ўзгал пойтахтимиз янада яшариб, гўзаллашиб бораётганлигидан гўё мазий билан бугуннинг учрашуви акс этаётгандек туюлади. Хорижий меҳмонлар учун энг замонавий меҳмонхоналарнинг қад ростилаш, чет эллик ишбилармон доиралар ҳамкорлигида ишлаётган саноат корхоналари савдо-саноатнинг ривожланиши ишлаб чиқариш ва аҳолини маҳсулот билан таъминлаш даражаси юқалиб бораётганлигидан дарак беради.

Тобора чирой оцаётган шахримизнинг моддий ва маънавий бойлигини сақлаш, ёнғинлардан муҳофаза этишни биз ёнғин хавфсизлиги ходимлари ўзимизнинг вазифамиз ва инсоний бурчимиз деб биламиз. Шу нуқта назардан Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари қатор тадбирий чораларни белгиллаб, ёнғинлар содир бўлишининг олдини олиб

келмоқдалар. Албатта ёнғинлар ўз-ўзидан юз бермайди. Унинг замирида омил борки, уни ўрганмай ва аниқламай туриб, ҳулласа чиқариш, бирон кишини ёки жамоани айбдор қилиш сира мумкин эмас.

Олиб борилган оммавий таҳлиллар ва ўрганилган ёнғинлар тафсилоти эса бахтсиз ҳодисаларга кўпроқ фуқароларнинг оловдан эҳтиётсизлик, газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиши сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бепасанд қараш, эътиборсизлик ҳам офатга йўл очади.

Қоидаларни шунчаки билиш эмас, уларга қатъий риоя этиш зарур. Ана шундангина кишини қировли кунларда пешона тери билан топган маблагимиз, соғлигимиздан бевақ айрилмаймиз, озгина эътиборли бўлсак тинч-хотиржам ишга, ўқишга бориб келамиз. Мана шунга эришишга ҳаракат қилайлик, азизлар.

Юсуфбек САЙДАХМЕДОВ,
Нодир АЛИЕВ,
Тоир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
12-Харбийлаштирилган
ёнғин хавфсизлиги
отряди инспекторлари

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари
ҳамда тadbиркорлар
ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунчилиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилсимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
услуди босилган.
2495 нусxada босилган. Қўлго ёзилади А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга
почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиб ва сақланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақсдорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.